

ЎЗБЕКИСТОН БИБЛИОГРАФИЯСИННИНГ БИБЛИОГРАФИЯСИ

(ривожланиш тарихи ва ҳозирги аҳволи)

“Кутубхоналарнинг библиография иши туғрисида низом”да кутубхоналар библиография ишининг мақсади “Жамиятни библиографик ахборотга бўлган талабларини тула қондириш асосида социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий жадаллаштиришга ёрдам бериш” /1, Б. 32/, деб белгиланади.

“Библиография” термини биринчи бор Юнонистонда милоддан аввалги 5-асрда пайдо бўлган. Унинг лингвистик маъноси – *biblion* – китоб ва *grapho* – ёзаман, яъни китоб ҳақида ёзиш маъносини билдиради. Дастлабки библиографик матнлар милоддан аввалги 3- ва 2-аср оралиғида Қадимги Миср ва Месопотамияда пайдо бўлган.

Шу муносабат билан библиографияни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида библиографик фаолиятни бошқариб бориш вазифасини ҳал қилишда библиографик маҳсулотларнинг яхши йўлга қўйилган ҳисобини олиб бориш, библиографик нашрлар ҳақидаги оператив ахборот билан таъминлаш, уларнинг мазмунини ҳар томонлама очиқ бериш имконини берувчи библиографик қўлланмалар системасини яратиш энг актуал ҳисобланади.

Республикада библиографик қўлланмаларни махсус ҳисобга олиш, яъни библиография библиографиясининг пайдо бўлиши бу республика библиографик маданиятининг юксак даражадалигидан, библиографик репертуарни шакллантиришга ҳар томонлама ва мунтазам интилишидан далолат беради.

Республикада библиография библиографиясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши биринчи йўналишда библиографиялашнинг объекти ҳақидаги масалани ҳал қилишни талаб қилади; иккинчи йўналишда эса Республика ҳақидаги библиографик материалларни рўйхатга олиш буйича ривожланади.



Библиография библиографиясининг асосий вазифаси – нафақат библиографик қўлланмалар ҳисобини олиб бориш ва улар ҳақида ахборот бериш, балки библиографик ишларнинг якуини чиқариш ва унинг келажаги ҳақида маълумот берувчи библиографик ресурслардан жамиятни хабардор қилишдир.



Муса Маматович Туропов, педагогика фанлари номзоди, Тошкент давлат маданият институти «Библиография ва ҳужжатшунослик» кафедрасининг доценти

Республикада библиография библиографиясининг ривожланиш масалалари библиографиянинг библиографияси буйича собик Иттифок даврида бўлиб ўтган иккинчи /Минск, 1963/, учинчи /Петрозаводск, 1974/ ва туртинчи /Вильнюс, 1981/ кенгашларнинг кун тартибда қўрилган асосий мавзу бўлган эди. Бу кенгашларнинг қарорлари библиографиянинг бу турини ривожлантиришда дастурий ҳужжат бўлди ва библиографиянинг библиографияси системаси структурасининг шаклланишига маълум даражада таъсир этди.

Минскда бўлиб ўтган 2-кенгашда қабул қилинган “Тавсиялар”да битта кўрсаткичда бир вақтнинг ўзида республиканинг библиографик маҳсулотини ҳамда республика ҳақидаги кўрсаткичларни ҳисобга олиш таклиф қилинди. Бунда «нашр жойидан қатъи назар, муайян республикага бағишланган библиографик материалларни босиш биринчи навбатдаги вазифа» /3/ экани таъкидланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда библиографиянинг библиографик қўлланмалари системаси шаклланди. Бу системанинг энг ривожланган тури бугунги универсал ретроспектив кўрсаткичлардир. Уларда республика библиографиясининг маълум даврдаги ривожланиши ҳақида хулосалар чиқарилади, мавжуд камчиликлар аниқланади. Бунинг натижасида олинган хулосалар эса библиографик жараёнларни бошқаришга ёрдам беради. Қўлланмалар системасида яна бир йўналиш – асосий мақсади республика библиографик маҳсулотларини ҳисобга олиш ва улар ҳақида

ахборот бериш, библиографик фаолиятни ва имкониятларни олдиндан оқилона режалаштиришга ёрдам беришдан иборат бўлган библиографик қўлланмаларнинг кундалик кўрсаткичларидир.

Машҳур рус библиографи И.Владиславов собик иттифок районлари ва шарқий республикалар буйича библиографик манбалар ҳақидаги маълумотларни “Наша Родина” номи билан тузган бўлиб, улар 1880-1930 йиллардаги материалларни ўз ичига олган эди. Бирок бу кўрсаткич нашр қилинмади, унинг ягона қўлёзма нусхаси Санкт-Петербурзнинг Салтиков-Шчедрин номидаги халқ кутубхонасида сақланмоқда.

Ўзбекистон ҳақидаги библиографик қўлланмалар биринчи марта ўтган асрнинг 30-йилларда ҳисобга олинган.

Худди шу даврда Ўрта Осиё ҳақидаги қўлланмаларни ҳисобга олувчи 1-тармоқ библиографик кўрсаткичи пайдо бўлди. Бу И.П.Пульнер ва Я.Б.Добринлар тайёрлаган, тарих-этнография ва унга яқин фанлар буйича адабиётларни ўз ичига олган кўрсаткич эди.

Кейинчалик бу материал библиографлар А.Г.Биснек ва К.Шафрановскийларнинг Ўрта Осиё буйича библиографияларнинг биринчи рўйхати ҳисобланган “Библиография библиографии Средней Азии” кўрсаткичига киритилган. Бу иш Ўрта Осиё республикалари ҳақидаги 1852-1935 йилларда

чоғ этилган материалларни ўз ичига олади.



Бунда библиографик қўлланмаларнинг ҳисоби қатор белгилар: Ўрта Осиё республикалари ҳақидаги материаллар (мазмун-худудий белгиси), Ўрта Осиё республикалари худудида нашр қилинган материаллар (давлат худудий белгиси) буйича амалга оширилган. Шунингдек, мазкур кўрсаткичда Ўрта Осиё даврий ва серияли нашрлар мазмуни кўрсаткичлари, нашр қилинмаган материаллар, библиография иши назарияси, методикаси ва уни ташкил қилиш ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилади.

1977 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси А.Г.Биснек ва К.И.Шафрановскийлар кўрсаткичининг хронологик давоми сифатида “Указатель библиографических пособий об Узбекистане (1936-1965 гг.)” кўрсаткичини нашр этди. Уни А.А.Викторов тайёрлаган. Шубҳасиз, унинг яратилиши Ўзбекистон библиографияси тарихида муҳим воқеа бўлди. 1500 га яқин номдаги материалларни қамраб олган бу қўлланмада Ўзбекистон ёки Ўрта Осиё ҳақидаги алоҳида нашр қилинган библиографик ишлар, шунингдек, Ўзбекис-

тоннинг иктисодиёти, табиати ва табиий бойликлари, тарихи, фан ва маданияти масалалари бўйича китоб ва мақолалар ичида келтирилган адабиётлар рўйхати ҳам берилган. Қўлланма юқори методик савияда бажарилган, «калитлар» системаси билан таъминланган. Курсаткичдаги материаллар 3 асосий комплексга тақсимланган ҳолда системали тарзда гуруҳлаштирилган: 1) табиати ва табиий бойликлари; 2) ижтимоий-сиёсий ҳаёти, иктисодиёти, тарихи; 3) фан ва тилшунослик, адабиётшунослик ва санъат.

Библиографиянинг библиографияси бўйича қўлланмалар тузишда мутахассислар учун “Источниковедческие и историографические труды и учебные пособия, содержащие списки краеведческих библиографических материалов” /II/ номли иш, М.М. Туроповнинг нафақат Ўзбекистон ҳақидаги библиографик қўлланмалар рўйхатини акс эттирувчи, балки уларни чуқур таҳлил қилувчи “Ўзбекистонда библиография ишининг ривожланиши”/Развитие библиографического дела в Узбекистане/ номли монографияси керакли манбалардан ҳисобланади. М.М.Туропов қўлланмасига Ўзбекистон ҳақида ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган, шунингдек, қўлёзма ҳолидаги 153 библиографик қўлланманинг рўйхати илова қилиб берилган, бунда ўзбек тилидаги қўлланмалар ҳақидаги маълумотлар биринчи марта ҳисобга олинган. Мазкур ишларни Ўзбекистон ҳақида фаннинг барча тармоқлари бўйича бой библиографик материалларни системалаштириш ва тушуниб етишда

дастлабки уришиш сифатида баҳолаш мумкин.

Республикада давлат кундалик курсаткичлари библиографиянинг библиографияси системасининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда. Утган асрнинг 60-70-йилларида библиографик қўлланмалар ҳақидаги кундалик ахборот билан таъминлаш фақат 5 та собиқ иттифоқдош республикада, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилган эди. Йилнома кўринишида чиқаётган курсаткичлар республикалар миллий библиографияси библиографиясининг асоси бўлиб қолди, улар кейинчалик ва келажакда библиографик маълумотлар банки (жамғармаси)ни яратиш орқали республика библиографияси мажмуасининг узок муддатли моделини қуриш имконини беради.

Ўзбекистон Давлат китоб палатаси 1981 йилдан “Ўзбекистон библиографик қўлланмалари” номли курсаткични нашр этмоқда. “Ўзбекистон библиографик қўлланмалари” алоҳида нашр этилган библиографик қўлланмаларни, даврий нашрларда, китобларда босилган библиографик материалларни, мақолалар ичидаги 15 номдан кам бўлмаган рўйхатларни ҳисобга олади. Бизнингча, унга республикашунослик характеридаги ва пахтачилик масалалари бўйича материалларнинг миқдоран чекланган ҳолда киритилишини ижобий воқеа сифатида баҳолаш мумкин.

Йилнома обзор мақолалари билан таъминланган, аммо уларда библиографик фаолиятнинг алоҳида йўналишларига, қўлланмаларни жанрли-туркумли тасвирлашга, уларнинг мақсади ва

китобхонларга мўлжалланишини тавсифлаш ва баҳолашга етарли эътибор берилмаган.



Бўлимлар ичида материалларни жойлаштиришда бир қатор камчиликлар учрайди. Масалан, “Ўзбекистон библиографик қўлланмалари” нинг 1983 йилги нашрида давлат библиографик курсаткичи - “Тавсия библиографияси” бўлими киритилган. Курсаткичларда “Яна қаралсин” каби ҳаволалар, уларга зарурат сезилса-да, кам учрайди.

Республика библиографиясининг библиографик қўлланмалар системасини ривожлантиришнинг келгуси йўналишлари сифатида библиографиянинг тавсия библиографиясини тузишни айтиш мумкин. Ўзбекистонда тузилган тавсия библиографик қўлланмаларини ҳисобга олишга уришишлар ҳам йўқ эмас. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан тайёрланган 25 номдаги тавсия библиографик қўлланмаларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Китобсеварлар кўнгилли жамияти республика кутубхоналари тузган тавсия библиографик қўлланмалари ҳақидаги маълумотларни “Тавсия библиографияси -

китобсеварга” (Т.,1985) номи билан нашр этган. Унинг иловасида 1970 йилдан кейин яратилган 50 та қўлланманинг рўйхати берилган. Тавсия библиографик қўлланмаларини ҳисобга олиш ва улар ҳақида ахборот бериш библиография соҳасидаги фаолиятни оқилона режалаштиришга имкон яратиб, кутубхоналар ишидаги такрорийликни тугатишга ёрдам берган. Бундай ҳисоб яна шунинг учун ҳам муҳимки, республикада кўплаб тавсия библиографик кўрсаткичлар босма равишда нашр қилинмай, оператив полиграфия воситаси ёрдамида, ротапринтда кам нусхада кўпайтириб тарқатилган, шунинг учун мавжуд библиографиянинг библиографияси нашрларида улар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ эмас.

Бизнингча, тавсия библиографик қўлланмаларини ҳисобга олиш ва улар ҳақида ахборот бериш вазифасини республикада тавсия библиографиясининг маркази ҳисобланган, кутубхоналарнинг тавсия библиографик қўлланмалари яратиш бўйича ишларини режалаштирувчи ва бошқариб боровчи Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бажариши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган библиографиянинг библиографияси системаси республика библиографик манбашунослигини муваффақиятли ривожлантиришда зарур асос бўлган, библиографик ахборотнинг ҳажми ва мазмуни ҳақида маълум тушунчани яратишга ёрдам берган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳозирги кунда республикада кутубхоначилик ва библиография соҳасидаги туб узгаришлар муносабати билан республика библиографиясининг библиографияси олдига ҳам қуйидаги муҳим вазифаларни қўяди:

1. Республика ҳудудида яратилган барча библиографик материалларни ҳисобга олувчи библиографик қўлланмаларнинг универсал ретроспектив кўрсаткичини тузиш, чунки мавжуд библиографик қўлланмалар кўрсаткичлари ўзининг аҳамиятлилиги билан бир қаторда репертуар нашр вазифасини бажара олмайди.

2. а) фаннинг у ёки бу тармоғини библиографик маълумотлар билан таъминланганлигини;

б) библиографик ахборотдан фойдаланиш самарадорлигини;

в) истемолчиларнинг ахборотга бўлган талабларини ўрганиш бўйича республикада илмий-тадқиқот ишларини

ўтказиш имконини берадиган библиография библиографиясининг тармоқли манбаларини тузиш;

3. Ахборот-библиография билан таъминлаш ишини тўғри ва тез ташкил қилиш учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида республика библиографик қўлланмаларининг йиғма электрон каталогини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. //Халқ сузи, 2006 йил 20 июнь.

2. Положение о библиографической работе библиотек// Советская библиография, 1987.-№6.-с.32-40.

3. Гудовшикова И.О. О моделирующей функции библиографии второй степени // Сборник материалов по библиографии второй степени.- 1975, Вып. 26.-С. 33-42

4. Туропов М.М. Развитие библиографического дела в Узбекистане (1852-1970). – Т., 1983. – 128 с.

